

Ғийбатнинг гуноҳлиги ҳақида (4-қисм)



19:43 / 31.03.2018 4682

Насиҳат. Киши билан учрашганда уни хурсанд қилиб, у кетгач эса ғийбат қилмаслик ҳусни хулқдир. Аллоҳ таоло Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни «**Сиз буюк хулқдасиз**» деб мақташининг сабабларидан бири ҳам шуки, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар қандай кишини (ҳатто у кофир бўлса ҳам) очик юз билан қарши олганлар ва ҳеч кимни ортидан ғийбат қилмаганлар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларга бирор зарари тегиши эҳтимоли бўлган кишининг айбини айтар, лекин ўзига йўлиқсалар, унга гўзал муомала қилар эдилар.

Ҳикоя. Бир одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кириш учун ижозат сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Унга изн беринглар. У қабиланинг нақадар ёмон ўғли [ёки қабиланинг нақадар ёмон одами]**», дедилар. У киргач эса унга мулойим

гапирдилар. Оиша розияллоху анҳо: «Эй Аллоҳнинг Расули, у ҳақда айтган гапингизни айтдингиз, сўнгра эса, унга мулойим гапирдингиз?» дедилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Қиёмат куни Аллоҳнинг ҳузурда одамларнинг мартабаси энг ёмони - кишилар фахш (ёмон) гапи учун тарк қилган одамдир»**, дедилар.^[1]

Изоҳ. Имом Нававийнинг ёзишларича, ўша одам Уяйна ибн Ҳисн бўлиб, у вақтда ҳали иймон келтирмаган эди. Кейинроқ иймонга келиб, сўнг яна муртад бўлиб кетган (Аллоҳ сақласин). Муҳаддис Абдулҳақ Дехлавий «Мадорижун-нубувват» китобида Қози Иёздан шундай нақл қиладилар: «Ўша вақтда Уяйнанинг мусулмон бўлгани собит эмас. Шунинг учун уни ғийбат қилиш дуруст эди. Агар ўша пайтда иймон келтирган бўлса, у ҳолда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам одамларни унинг ёмонлигидан огоҳлантириш учун гапирган бўладилар. Бу ҳам дурустдир».

Насиҳат. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ахлоқлари шундай эди. Бироқ ҳозир ўзини у зот соллаллоху алайҳи васалламнинг умматидан санайдиган кишилар бунинг тескарисини қилмоқдалар. Баъзи кишилар нафрат ва адовати бор киши билан учрашиб қолса, аввало яхши кўришмайди, ортидан эса унинг ғийбатини қилиб, эртаю кеч уни ёмонлаш билан овора бўлишади. Баъзилар эса учрашган одамни эҳтиром билан қарши олади, кулиб гаплашади, лекин учрашув тугагач, шаръий бирор сабабсиз ғийбат қилишни ва унинг айбларини очишни бошлашади ва бу билан ўзини гўё ҳусни хулқ соҳиби деб ҳисоблашади. Ҳолбуки, улар риё қилишади. Аввалги тоифадан яхшироқ бўлса ҳам, аслида булар ҳам ёмондир. Булар ҳам ўзларининг ярамас ишларидан қайтиб, тавба қилишлари лозим.

«?Ғийбат ўзи нима»

Муҳаммад Абдулҳай Лакҳнавий

Таржимон: Ёрқинжон Фозилов

^[1] «Саҳиҳи Муслим», 6540-ҳадис.